O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 3 май, № 86 (4239) Пайшанба



# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Кейинги йилларда ишга туширилган саноат корхоналари орасида Қўнғирот сода заводи алоҳида ўринга эга. Зеро, ушбу корхона ўз фаолиятини бошлаши билан мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида импорт ҳажми сезиларли пасайди.

*Маълумки, натрий корбанатларининг умумлашган техник хоссаси — сода оғир ва енгил саноатнинг турли тармоқларида, жумладан, металлургия, целлюлоза, нефть, озиқ-овқат, шунингдек, тиббиёт маҳсулотларини тайёрлашда муҳим хомашё ҳисобланади. Айниқса, Қўнғирот сода заводида ишлаб чиқарилаётган кальцийли содага талаб кучли.*

*Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг август ойида фаолиятини бошлаган ушбу йирик саноат корхонасида йил охирига қадар 4 миллиард сўмлик 12 800 тонна хомашё ишлаб чиқарилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 80 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.*

*Муҳими, завод маҳсулотларига талаб кундан кунга ортиб бораётир. Фарғонадаги "Кварц" акциядорлик жамияти ҳамда пойтахтимиздаги "Фарм-гласс" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси айнан Қўнғирот сода заводи хомашёси туфайли иқтисодий юксалишга эришмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: заводнинг умумий кўриниши; ишчи Рашид Рахматулинов.**



**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ТОШКЕНТ — МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИ

***Пойтахтимиздаги Фото уйида «Шарқ-Ғарб. Тошкент чорраҳаси» деб номланган долзарб фото ва видео санъати биринчи Тошкент халқаро фестивали очилди.***

У Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Тошкент фото уйи, «Карвонсарой – бадиий мулоқот» (Франция) халқаро ташкилоти томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари кўмагида ташкил этилди. Фестивалнинг очилиш маросимига республика ижодий ташкилотлари, жамоат бирлашмалари вакиллари, хорижий дипломатлар ҳамда кўплаб санъат мухлислари тўпланди.

Диёримиз қадимдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ҳол нафақат савдо-сотиқнинг ривожланишига, балки Шарқ ва Ғарбнинг энг яхши маданий анъана ва ғояларини ўзида мужассам этган кучли ўзига хос цивилизацияларнинг тараққиий этишига ҳам хизмат қилган. Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Юртимизда аждодларнинг улкан тарихий мероси асраб-авайланмоқда, замонавий санъатнинг барча турлари жадал ривожланмоқда. Бу борадаги фаолиятнинг асосини Президент Ислом Каримовнинг тегишли фармон ва қарорлари ташкил этади.

Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бошқаруви раиси А.Исахўжаев, Ўзбекистон бадиий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртожиев, Тошкент фото уйи директори Ш.Каримбобоева ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Ўзбек халқининг бой ва серқирра маданияти кўп хорижлик олимлар, кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келади. Буюк ипак йўли ғоялари, ўзбек халқи маънавиятининг сарчашмаларига маданият арбоблари алоҳида эътибор қаратади. Олимларнинг топилма ва кашфиётлари рассомларни янги асарларни яратишга ундайди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ва бу йил халқаро мақомга эга бўлган долзарб фото ва видео санъати фестивали ҳам буни тасдиқлайди. Халқимизнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида фестивалнинг очилиш куни унинг қатнашчилари Алишер Навоий номидаги Миллий боғда буюк шоир ҳайкали пойига гул қўйдилар.

Теран рамзий маънога эга «Connections» («Бирлашиш») мавзуига бағишланган фестивалда Ўзбекистон, Россия, Япония, Норвегия, Болгария, Греция, Миср, Жанубий Корея, Польша, Туркия, Украина ва бошқа мамлакатлар фото ва видео ижодкорларининг 400 га яқин ишлари намойиш этилмоқда. Уларнинг асарлари санъатда қадимийлик ва замонавийлик уйғунлигини намоён этади, турли услуб ва жанрларда ижод қиладиган энг яхши санъат усталарининг асарлари билан таништиради. Кўргазмада ҳаётнинг барча қирралари тасвирланган фотографиялар ва видеоинсталляциялар намойиш этилмоқда. Бу — ҳаётнинг қадри, ахлоқий мезонларнинг аҳамияти ҳақида томошабин билан ўзига хос мулоқотдир.

— Турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири жараёни бугунги кунда ҳам давом этмоқда, — деб таъкидлади фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Франциянинг «Монпарнас» музейи директори Жан Ди. — Мен Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим, қадимий маданиятингизнинг бойлигидан, ёшларда санъатга қизиқишнинг кучлилигидан ҳайратда қолдим. Ҳозир биз Ўзбекистоннинг ижодий ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйяпмиз ва Францияда ўзбек маданиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш ниятидамиз.

Фестиваль 12 майгача давом этади. Унинг дастури доирасида Тошкент, Самарқанд, Хиванинг энг нуфузли галереяларида ҳамда Алишер Навоий номидаги Миллий боғда кўргазмалар ўтказилади. Турли мамлакатлар фото ва видео усталари ишлари Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидаги реклама ойиналарида ҳам намойиш этилади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## 9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

***«Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг инсонпарварлик миссияси» — Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция шундай номланди.***

# МЕҲР ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Ушбу тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Хотира хиёбони» республика жамоатчилик жамғармаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси кўмагида ташкил этилди. Конференцияда олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият арбоблари, уруш йилларида болалар уйларида тарбияланганлар ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз ҳақиқий инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, фашистлар босиб олган ҳудудлардан келган юз минглаб қочқинларни ўз бағрига олди, деб таъкидланди конференцияда. Уруш даҳшатларини кўрган болалар азалдан ўзбек халқига хос бўлган меҳр ва саховатни ҳис этди. Уруш йилларида Ўзбекистон Россия, Украина, Болтиқбўйи, Польша ва бошқа мамлакатлардан келган 200 мингдан ортиқ болани қабул қилди.

Бу болалар давлат томонидан барча зарур нарсалар билан таъминланди, айни вақтда деярли бутун халқ, ҳар бир юртдошимиз имкон қадар уларга ёрдам берди. Болалар уйларида тарбияланаётган кичкинтойларни боқиб олишни истовчилар навбатда турарди — бундай ҳолат дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу анъаналар янги маъно-мазмун билан бойиди. Инсон манфаатлари, биринчи галда болалар манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш Президент Ислом Каримов сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга давлат билан бир қаторда жамият ҳам ёрдам бермоқда.

Конференцияда сўзга чиққан «Хотира хиёбони» республика жамоатчилик жамғармаси раиси С.Мансуров-Ковригенко, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Голованов, Фанлар академияси Тарих институти илмий ходими Р.Шигабиддинов, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори И.Галушенко, тарих фанлари номзоди Г.Ўразаева ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Водийларни яёв кезганда

***Қамчиқ йўлидан тушиб, Сирдарё кўпригидан ўтишингиз биланоқ, димоққа иштаҳаочар бир ис урилади. Бу — нон иси. Салгина юриб, Наманган ва Фарғона вилоятлари чегарасидаги назорат постининг бериги томонида ҳам, нариги томонида ҳам кулча, седанали гижда, қаймоқли патир сотиб турган, юзлари ёпган нонларидан-да иссиқроқ туюлувчи аёллар тизимига дуч келасиз.***

# НОН ИСИ

Машинадан тушиб, харидни бошлаган чоғимда, "Бас, қизларим, шуёғиям етади", деган мулойим товушни эшитиб, ўша ёққа юзланаман. Сиполик билан мийиғида жилмайиб турган хипчасоқол қария ширинкўл қиз-жувонлар узатаётган нонлардан бир нечасини халтасига авайлаб тахларкан, "Тўкинчиликни қаранг!" — дея маънодор бош ликиллатиб қўйди. Айрим сайроқи воизларнинг соатларга чўзилувчи баландпарвоз маърузасидан юз бора таъсирчан бўлган шу икки оғиз сўз юрагимни бир жизиллатиб ўтди-ю, кайфиятим яшнаб кетди.

Кайфият... Кайфият дегани ўта тусланувчан, ўта юқумчилдир. Битта сўз, битта ҳодиса, битта манзара сабабчи бўлиб, киши бир лаҳзанинг ўзида кескин ўзгаради — ичини ё нур чулғайди, ё зимистонлик қоплай бошлайди. Шу боис, юртдаги аҳволни ҳеч қачон алоҳида-алоҳида шахсларнинг кайфиятига қараб баҳолаб бўлмайди. Буни чамалаш учун кўпроқ кузатиш, кўпроқ тинглаш, кайфиятлар йиғиндисидан ўртача бир хулоса топа олиш лозим бўлади.

Фарғонада икки ҳафта юрган бўлсам-да, вилоят ёки туманларнинг раҳбарлари билан кўришишга, қилинаётган ишлар, кўзланаётган режалар ҳақида суҳбатлашишга вақт тополмадим.



(Давоми 6-бетда).

— — — — — — — Қирқиш чизиғи — — — — — — — Қирқиш чизиғи — — — — — — —

## 4-боб. Якуний қоидалар

**19-модда. Манфаатлар тўқнашуви**

Ушбу Қонунда манфаатлар тўқнашуви деганда ҳомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар (мазкур ташкилот бошқарув органларининг ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслари, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари, шунингдек ўзларининг ҳомийлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлари оқибатида ташкилотнинг мол-мулкини тасарруф қилишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаат кўриш мақсадида ташкилот билан шахсан ёки ўз вакиллари орқали ҳамкорлик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида амалга ошириладиган, ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини тасарруф этишга дахлдор бўлган, ҳомийлик фаолиятининг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган ёки мос келмаслиги мумкин бўлган битимлар ва (ёки) операциялар эътироф этилади.

Ҳомийлик ташкилотининг манфаатдор шахслар билан битимлар тузишига, шунингдек ҳомийлик ташкилоти томонидан манфаатдор шахслар фойдасига бошқа ҳаракатлар амалга оширилишига ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи розилиги билан йўл қўйилади.

Манфаатлар тўқнашуви чоғида вужудга келадиган низолар ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан ҳал қилинади.

**20-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ҳомийликни амалга ошириш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**21-модда. Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**22-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**23-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 май
№ ЎРҚ — 96

8

Буклаш чизиғи



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2007 йил

Қирқиш чизиғи

Ҳомийлик ташкилотининг номи "ҳомийлик" деган сўзни ўз ичига олган бўлиши керак. Ҳомийлик ташкилотининг номи бошқа ҳомийлик ташкилотларини айнан бир хил деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "ҳомийлик" сўзидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Ҳомийлик ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи уюшмаларга (иттифоқларга) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

**7-модда. Ҳомийлик ташкилотининг муассислари**

Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб юридик ва (ёки) жисмоний шахслар уларнинг муассислари бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳомийлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

**8-модда. Ҳомийлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Ҳомийлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органининг ҳомийлик ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори, шунингдек мазкур органнинг давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**9-модда. Ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки**

Бинолар, ер участкалари, транспорт, иншоотлар, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек ахборот ресурслари ва ўзга интеллектуал фаолият натижалари ҳомийлик ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилоти ўзида бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларига, ташкилотнинг уставига ва ҳомийлик мақсадларига зид бўлмаган ҳар қандай битим тузишга ҳақли.

Ҳомийлик ташкилоти ўз таъминоти (шу жумладан фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари) учун молия йилида ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг кўпи билан 20 фоизидан фойдаланишга ҳақли. Ушбу чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳомийлик ташкилоти кўнгиллиларнинг ушбу ташкилотдаги фаолияти билан боғлиқ харажатларини (хизмат сафари, транспорт харажатларини ва бошқа харажатларини) тўлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ҳомийлик ташкилотининг ҳисобварағига тушган маблағлардан фақат бу маблағларни ажратиш чоғида назарда тутилган ҳомийлик мақсадлари учун фойдаланилади.

Ҳомийлик ташкилотларига берилган ҳомийлик хайрияларидан фақат ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади ва бу

4

Буклаш чизиғи

хайриялардан ҳомийлик ташкилотларини сақлаш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулки бу ташкилотнинг муассисларига ёки аъзоларига бошқа шахсларга сотилиши ёхуд берилишига қараганда қулайроқ шартларда сотилиши ёки берилиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

**10-модда. Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари**

Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

ҳомийлик ташкилоти муассисларининг бадаллари, аъзоликка асосланган ҳомийлик ташкилотлари учун эса аъзолик бадаллари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг пул ва (ёки) бошқа мол-мулк шаклидаги ҳомийлик хайриялари;

акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумлар;

ҳомийлар ва кўнгиллиларни жалб этиш, шу жумладан ҳомийлик хайриялари йиғиш мақсадида ўтказиладиган кўнгилочар, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш кампанияларини ўтказишдан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лотереялар ва ким ошди савдолари ўтказишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

**11-модда. Ҳомийлик дастури**

Ҳомийлик дастури ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва мазкур ташкилотнинг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Ҳомийлик дастури мўлжалланаётган тушумлар ҳамда режалаштирилаётган харажатлар сметасини (шу жумладан ҳомийлик дастурини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни) ўз ичига олади, дастурни амалга ошириш босқичлари ва муддатларини белгилайди.

Ҳомийлик дастурларини (шу жумладан ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ва ҳомийлик дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларни) молиялаштириш учун молия йилида тушган даромадларнинг, қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларнинг, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумларнинг камида 80 фоизидан фойдаланилиши керак.

Ҳомийлик дастурлари амалга оширилаётганда тушган маблағлардан шу дастурларда белгиланган муддатларда фойдаланилади.

5

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Қонун рад этилди



Олдин хабар берганимиздек, АҚШ Конгресси Америка ҳарбийларини келгуси йилнинг март ойи охирига қадар Ироқдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилганди. Оқ уй раҳбари Жорж Буш ўз ваколатидан фойдаланиб, ушбу қонунга вето қўллади. Яъни қонун қабул қилинмай, яна конгрессга қайтарилди.

### Сайловда қатнашмасликка чақирди

Франция президентлиги учун ўтказилган биринчи тур сайловларида ютқазган Жан-Мари Ле Пен ўзининг тарафдорларига мурожаат қилиб, 6 майга белгиланган иккинчи тур сайловларида қатнашмасликка чақирди. Унинг фикрича, Саркози ҳам, Руаяль ҳам сайловчилар ишончини оқлай олмайди.

Ўтказилган сўровнома натижаларига қараганда, иккинчи турда Саркози ғолиб чиқиши мумкин.

### Тарихий биноларда ёнғин

Вашингтонда бир кунда иккита тарихий бино ёниб кетди. Тилсиз «ёв» бир неча соат ичида 134 йил олдин қурилган Шарқий бозор ва Жожтаун жамоатчилик кутубхонаси филиали биноларининг кулини кўкка совурди. Ўт ўчириш хизмати раҳбари Дэннис Рабиннинг таъкидлашича, ҳозирда бу икки воқеа ўртасида қандай боғлиқлик борлиги текширилмоқда.

Иккала офатдан ҳам ҳеч ким жабр кўрмаган бўлсада, кутубхонадаги ноёб қўлёзмалар ёниб кетди. Ёнғин нимадан келиб чиққанлиги маълум эмас. Кутубхона вакилининг сўзларига кўра, бинода ёнғинга қарши ускуналар ўрнатилмаган.

### Об-ҳаво сабаб

Каспий денгизида оммавий тарзда тюленлар нобуд бўлмоқда. Денгизнинг Қозоғистондаги қирғоғида 819 та тюлен ўлик ҳолда топилган. Бу ҳақда РИА «Новости» мамлакат фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакили берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Ҳозирда денгиз жониворининг қирилиб кетишига ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлаётгани тахмин қилинмоқда.

### Террорчилар кузатувда бўлган, лекин...



**Буюк Британия парламентида мамлакат разведка хизмати фаолиятини ўрганиб чиқиш мақсадида махсус комиссия тузилди. Улар 2005 йил 7 июлда Лондонда содир этилган терактлардан разведка хизмати нега олдинроқ хабар топмаганини текширишмоқда. Манбада келтирилишича, разведка хизмати ходимлари террорчиларни 7 июлга қадар доимий тарзда кузатиб келишган, лекин уларни қамоққа олишга ҳуқуқий жиҳатдан асослари бўлмаган.**

### Citigroup кенгайди

«Citigroup» инвестицион банки 7,7 миллиард долларга Япониянинг «Nikko Cordial» молиявий брокерлик компаниясининг 60 фоизлик акциялар пакетини сотиб олганини маълум қилди. Компанияда бошқарув қўмитаси ҳам тузилди. Манбада айтилишича, «Nikko Cordial»нинг мазкур акциялари Токио биржасида сотилган.



Таъкидлаш керакки, «Citigroup»нинг бутун дунёда 200 миллиондан ортиқ мижозлари бор.

### Дипломатга ҳужум

Афғонистонда Чехия дипломатик миссияси раҳбари Филип Велахга суиқасд уюштирилди. Кобулдан 100 километр узоқликда тан соқчилари билан кетаётганда унинг машинаси ўққа тутилган. Икки қўриқчи жароҳатланди. Лекин элчи жабр кўрмаган. Қайд этиш керакки, Чехия бундан икки ҳафта олдин мазкур мамлакатда доимий фаолият кўрсатадиган дипломатик ваколатхонасини очган эди. Унинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Чехия ташқи ишлар вазири Карел Шварценберг ваколатхонанинг очилиши Афғонистонда тинчлик ўрнатилаётганидан далолат бераётганлигини таъкидлаганди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*




## Автомобилсозлар ҳамкорлиги

***Япониянинг "Иточу Корпорейшн" корпорацияси ижрочи вице президенти Йоката Акира раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.***

■ Сафар давомида "Иточу Корпорейшн" томонидан "СамАвто" МЧЖнинг 8 фоиз акциялари олди-сотдиси бўйича шартнома имзоланди. Таъкидлаш жоизки, Самарқанд автомобиль заводи ҳамда "Иточу" корпорацияси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши икки давлат автомобилсозлари ҳамкорлигини янги босқичга кўтаради. Шунингдек, "СамАвто" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган моделлар кўлами кенгайишини, япониялик мутахассисларнинг корхона менежментлик тизимида фаол иштирок этишини таъминлайди.

**С. ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**«НАВОИАЗОТ» ОАЖ барча акцияларининг 49 (қирқ тўққиз) фоизини ташкил этувчи 369 311 (уч юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн бир) дона оддий акциялар пакетини сотиш юзасидан эълон қилинган тендер бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 10 майгача узайтирилганлигини маълум қилади.**

Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 60 009 600 (олтмиш миллион тўққиз минг олти юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 42 000 000 (қирқ икки миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Марказий операцион бўлими валюта ҳисоб рақами 20203840900600289004
ёки 20203000800600289002 ҳисоб рақами,
ИНН 201122696, банк коди 00882,
Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 101-уй,
S.W.I.F.T. коди: NBFAUZ2X.

Тендер иштирокчилари ўрнатилган муддат ичида икки конвертдан иборат (биринчи конверт — ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва квалификацион маълумотлар ва иккинчи конверт — молиявий таклиф) тендер таклифи жойлаштирилган пакетни қуйида кўрсатилган манзилга тақдим этишлари керак.

**Тендер ғолибини аниқлаш жараёни икки босқичдан иборат бўлади:**

1. *Ваколатли комиссия томонидан биринчи конвертнинг очилиши ва тендер иштирокчиларини стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун ҳужжатларни Идоралараро ишчи гуруҳига тақдим этиш.*
2. *Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан квалификацион талабларга жавоб берадиган тендер иштирокчиларининг молиявий таклифларини очиш ва баҳолаш ҳамда ғолибни аниқлаш мақсадида натижаларни Давлат тендер комиссиясига киритиш.*

Квалификацион талабларга жавоб берадиган, юқорида келтирилган акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устуниликка эга бўлади.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 10 майда Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.

Тендер таклифларининг биринчи конвертини очиш 2007 йил 10 майда Тошкент вақти билан соат 15.00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади. Тендер таклифларининг иккинчи конвертини очиш тендер иштирокчиларини стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолашдан сўнг Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисида бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**

**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

639-1Н/719

## NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till May 10, 2007 of the previously announced tender for sale 369 311 (Three hundred sixty nine thousand and three hundred eleven) shares of common stock of **Joint Stock Company "NAVOIAZOT"** constituting the aggregate of 49% of the Company's total issued shares with starting bidding price not less than **60 009 600** (sixty million nine thousand and six hundred) US Dollars and investment requirements 42 000 000 (forty two million) US Dollars.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case – by – Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred to the account stated below.
USD Account № 20203840900600289004 or
UZS Account № 20203000800600289002
in the Central operational department of the National Bank for FEA of the Republic of Uzbekistan, TIN 201122696, bank code 00882, A.Timur str., 101, Tashkent, 100084
S.W.I.F.T. code: NBFAUZ2X

Tender participants within given period of time shall submit a package of Tender Bid, containing two envelope: the first envelope – "Legal Authority and Qualification Information" and the second envelope – "Financial Proposal" to the address, indicated below.

**The selection of winner will be carried out in two stages:**

1. *Opening of the first envelope by the authorized commission and submission the materials to the Interdepartmental Working Group for estimation of conformity of tender participants to the qualification requirements, presented to strategic investors;*
2. *Opening and estimation of financial proposals of the qualified participants by the Interdepartmental Working Group and submission of the results to the State Tender Commission for determination of the winner.*

The preference will be given to the tender participant, which conforms to qualification criteria, ready to offer the highest bid for the above mentioned shares and take upon the highest value of investment obligations.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on May 10, 2007.

Opening of the first envelope of the Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on May 10, 2007. Opening of the second envelope will be held after estimation of conformity of tender participants to the qualification requirements at the meeting of Interdepartmental Working Group.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistanskaya str. 55**
**700003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov**
**Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**E-mail: ccpbuz@tps.uz**

639-2Н/719

## МИЛЛИОНЛАР МИНБАРИ

***1993 йил 20 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 3 майни Жаҳон матбуот эркинлиги куни, деб эълон қилган эди. Шундан буён бу сана Ўзбекистонда ҳам кенг нишонлаб келинади.***




Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Матбуот мустақил ватанимиз ва фуқароларимиз манфаатларининг ҳимоячиси сифатида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Цензурага йўл қўйилмайди" деб ёзиб қўйилган. Бу мамлакат оммавий ахборот воситалари эркинлиги кафолатидир.

Мустақиллик йилларида нодавлат оммавий ахборот воситалари тизими ҳам вужудга келди. Бирин-кетин ташкил этилган қатор хусусий матбуот нашрлари, радиостанциялар ва телеканаллар мамлакат ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллади. Бугунга келиб, мамлакатимизда мингга яқин газета-журналлар, радио ва телевидение, агентлик ва интернет тизими фаолият юритмоқда. Уларнинг юзга яқини замонавий электрон оммавий ахборот воситаларидир.



Истиқлол йилларида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил топди. Энг асосийси, шу даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг тарғиботчисига айланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмаслигини таъкидлаган эдилар.

Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жамиятни янгилаш шароитида оммавий ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш учун "Олтин қалам" Миллий мукофотини жорий этиш ва бу мукофот учун халқаро танлов ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди.

Ушбу танловни ўтказишдан мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини янада кучайтириш, журналистларнинг танқидий фикрлаши ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларини янада ривожлантириш эди. Танловда нафақат маҳаллий, балки мамлакатимиз ҳаётини холис ва ҳаққоний ёритган хорижлик журналистлар ҳам иштирок этадилар.

Ўтган йили танлов илк бор ўтказилди ва унда республикамизнинг турли ҳудудларидан 136 журналист 1669 та ижодий иши билан иштирок этди. Танлов якунларига кўра, уч асосий номинация – матбуот, телевидение ва радио йўналишлари бўйича энг иқтидорли ва фаол журналистлар аниқланди. Шунингдек, журналистларга рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди. "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва лауреатлари номи айни Жаҳон матбуот эркинлиги кунида эълон қилиниши ҳам бу санага бўлган катта эътибордан далолатдир.

Бу йил "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов кўлами янада кенгайди. Аввалги танлов учта йўналиш – матбуот, радио, телевидение бўйича ўтказилган бўлса, бу йил улар қаторига интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Ҳар бир йўналишда учтадан ўрин бор. Энг асосийси, бу йилдан бошлаб энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофот таъсис этилди. Бу номинацияда ғолиб бўлган журналист махсус диплом, кўкрак нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Айтиш жоизки, бу йил танлов иштирокчилари сони ўтган йилдагига нисбатан қарийб уч баравар кўпайди. Яъни 376 журналист 5000 га яқин асари билан танловда қатнашди. Шуниси қувончлики, иштирокчиларнинг тенг ярми мамлакатимиз вилоятларида фаолият олиб бораётган журналистлардир.

Бугун «Туркистон» саройида бўлиб ўтадиган тантанали маросимда "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорлари номлари эълон қилинади ва мукофотлар ўз эгаларига топширилади. Маросимга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 900 га яқин журналист таклиф этилган. Жаҳон матбуот эркинлиги кунини муносиб нишонлаш мақсадида махсус дастур тайёрланган. Бу журналистларимизни ҳам, меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмайди, албатта.

**Шерзод ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, "Олтин қалам" Миллий мукофоти ташкилий қўмитасининг раиси.**

КУПЮРОСЧЕТНЫЕ МАШИНКИ
Magner 35 S
(СО СКЛАДА В г.ТАШКЕНТ)
ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ ЯПОНИИ



А ТАКЖЕ, ПРОСМОТРОВЫЕ ДЕТЕКТОРЫ ВАЛЮТ, ВЕСЬ СПЕКТР БАНКОВСКОЙ ТЕХНИКИ, КОМПЬЮТЕРЫ И КОМПЛЕКТУЮЩИЕ К НИМ
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
ООО «ABL_SOFT & S S», ул. КАЛАНОВА,28.
ТЕЛ.: (+998 71) 399-80-10, 399-80-11, 393-85-64
www.ablsoft.uz

**Биласизми?**

***Кўк чойни ҳаммамиз севиб истеъмол қиламиз. Ичган сайин ичгимиз келаверади. Замонавий тиббиётнинг аниқлашича, кўк чойнинг бундай хушхўрлигига сабаб унинг шифобахшлиги экан.***

## Кўк чой хосияти

Чунончи, чой ўсимлиги асосида тайёрланадиган турли дори-дармонлар томирларнинг ўтказувчанлиги билан боғлиқ бўлган бир қатор хасталикларни даволашда ишлатилмоқда. Жумладан, хафақон, ичбуруғ, қорин тифи, қизамиқ, кўкйўтал, қизилча, бод, сурункали гепатит, жигар ва буйрак касалликларини даволашда, шунингдек, танада туз йиғилиши, нафас йўлларининг шамоллаши, нурлардан зарарланиш ва офтоб урганида бу дорилар ижобий таъсир этиши мумкин.



## Шифоси ўз қўлингизда

Гоҳо хафақон дарди билан оғриган беморлар кўча-кўйда, транспорт воситаларида нохушликни ҳис этадилар. Бундай тиғиз пайтларда қўл кафтлари кўкрак устига қўйилса, аъзоларда кислота-ишқорли мувозанат тикланади. Натижада 3-4 дақиқадан сўнг қон босими ҳийла тушади, нохуш вазиятдан холи бўлинади. Шарқликларнинг қуллуқ қилишида ҳикмат борлигини бугун Европа шифокорлари ҳам тан олишган.

## Бодга даво қашқарбеда

Бодга (ревматизм) йўлиққан бемор гуллаб турган қашқарбеданинг учини оғриқли жойларига боғласа ёхуд дамлама тайёрлаб ичса, дарддан халос бўлади. Ерқалампир барглари эса белангидан фориғ этади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**


## «Крокус Газ Сервис» ҚК (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
